



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021-yil “16” yanvar

Қ-32 -son

Termiz sh.

**Шеробод тумани “Кўхитанг” массиви
“Чорбоқ” маҳалласи худудидан 9206 ҳарбий
қисмга “Дала ўқув полигони” қуриш учун ер
майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 05 январдаги 03-02/12-сон йиғилиш баёни, Шеробод тумани ҳокимининг 2020 йил 16 ноябрдаги 01-03/1511-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Шеробод тумани “Кўхитанг” массиви “Чорбоқ” маҳалласи худудидан 9206 ҳарбий қисмга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалиги харитасининг 2370қ-дала контуридаги 30,0 гектар яйлов ер майдони “Дала ўқув полигони” қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (Ж.Усмонов)га ажратилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.
4. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.
5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.
6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Суванкулов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов